

Рамазондан сўнг нима қиламан? (учинчи мақола)



13:00 / 18.05.2021 2938

Азиз биродарим эсингизда тутинг солиҳ амаллар Аллоҳ олдида қабул бўлиши учун икки шарт бор:

Биринчиси: Амални ёлғиз Аллоҳ учун холис қилиш.

Иккинчиси: Бу амални бажаришда Расулуллоҳга эргашиш.

Бу икки шартнинг бирортаси бўлмаса Аллоҳ бундай амални қабул қилмайди.

Нафл рўза

Билингки, Аллоҳ таолога доим итоатли бўлиш ва нафсни тарбиялаб бориш сиз-у биздан ҳар доим талаб қилинган амалдир. Мана шу нафс тарбияси учун Аллоҳ таоло ибодатларни йўлга қўйган. Бу ибодатларга қанчалик берилган бўлсангиз нафсингиз тарбияси шунчалик юксалади, қанчалик эътиборсиз бўлсангиз бу тарбиядан узоқ бўласиз. Шунинг учун Аллоҳ таоло учун холис тоат ибодатда бўлганлар энг қалби юмшоқ, солиҳ инсонлар бўлади. Аммо гуноҳлар ва маъсиятлар аҳллари эса қалблари қаттиқ инсонлар бўлишади.

Рўза эса қалбни ҳар-хил касалликлардан тозаловчи амалдир. Шу сабабли Рамазон оyi қалбларни тозаловчи ойдир. Бу рўзадор учун иймонга тўла қалб билан чиқиши учун оладиган улкан фойдасидур. Бу қалб уни бошқа амалларни бажаришга ундайди. Бу амаллардан бири шаввол ойнанинг олти кунда рўза тутишдир.

Шаввол ойнанинг олти кунда рўза тутиш фазилатлари:

Абу Айюб Ал-Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Ким Рамазон рўзасини тутиб, кетидан Шавволдан олти кун рўза тутса, йил бўйи рўза тутгандек бўлади”**- дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Имом Нававий роҳимаҳуллоҳ дедилар “Уламолар дедилар: Бу нарса худди бир йил рўза тутганга ўхшатилди, чунки битта яхшилик ўн баробарига кўпайтирилади. Рамазон ўн ой савобига тенг ва олти кун эса икки ойга”. *(Бу Насайи китобида марфуъ ҳадисда ва Муслимнинг Нававий шарҳида келган).*

Олти кун рўзасининг сифати

Имом Нававий дедилар: “Устозларимиз айтдиларки: энг афзали Ийд Фитр кундан кейин кетма-кет тутишликдир, агар бўлиб тутса ёки шаввол бошидан охирига кечиктирса унга кетма-кетлик савоби бўлади, чунки у рамазонга шавволни олти кунини улаган бўлади.

Муслим ривояти, Нававий шарҳи.

(Давоми бор)

